



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

2015 yil 24.08

№ 336

Toshkent sh.

**Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини
ошириш ва ихтисослаштиришдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 319-сонли қарорининг ижроси юзасидан даволаш-профилактика муассасаларидаги ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малакасини ошириш, уларни мутахассисликлар бўйича ихтисослаштиришдан ўтказиш ҳамда тиббиёт муассасаларини малакали ўрта тиббиёт кадрлари билан таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларида ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни эгаллаши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати 1-иловага, Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида ўқув амалиётларини ўтиш учун бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва вазирлик тасарруфидаги республика даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари:

даволаш-профилактика муассасаларига давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган тиббиёт коллежларини битирган ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни ишга қабул қилиш шартлигига эътибор қаратсин;

олий ҳамширалик иши мутахассислари, ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларни малака ошириш, ихтисослаштириш, қайта тайёрлаш курсларига

003589

белгиланган муддатда мутахассислик йўналиши бўйича юборилишини таъминласин;

3 йил ва ундан ортиқ муддат бола парвариши таътилида бўлган ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлари диплом йўналиши бўйича ихтисослаштириш курсларига бепул асосда ўқишга юборилишини таъминласин;

Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг амалиёт базаларида ўқув жараёнини самарали ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратсин.

3.Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ўқув амалиётларини ўтиш учун бириктирилган даволаш-профилактика муассасаларининг рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш маркази директори Л.Х.Мусаджановага:

ўрнатилган тартибда тасдиқланган малака ошириш ва ихтисослаштириш ўқув дастурларига мувофиқ марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларида дарс жараёнини ташкил этишни назорат қилиш;

айрим йўналишлар бўйича тингловчилар сони етарли бўлмаган ҳолларда ўзаро келишилган ҳолда ҳудудлараро гуруҳлар ташкил этиш;

амалий машғулотларни ўтказиш мобайнида юқори малакага эга бўлган тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликда маҳорат дарсларини ташкил этиш топширилсин.

5. Мазкур буйруқ чиқарилиши муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 28 августдаги “Республика ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларнинг малака ошириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 310 –сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6.Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.А.Худаяров зиммасига юклатилсин.

Вазир



А.Алимов